



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ —
АМАЛДА

2-бет



«ОЙНАИ
ЖАҲОН»ДА
ҚҮРИНГ, ТОМОША
ҚИЛИНГ

4-5-бет


МАҲАЛЛАНГ —
ОТА-ОНАНГ

6-бет

ТИЖОРAT
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

7-бет

ЖУМА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 130 (9.933)

2003 йил 4 июль



АҚШ ЭЛЧИСИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар ҳозиргидек юксак даражага чиқиши ва мустақамлаштиришда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Жон Хёрбстнинг ҳам муносиб хиссаси бор. Жумладан, у мамлакатимизда дипломатик миссиясини бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий таширф билан АҚШга борди. Ушбу таширф асосида икки мамлакат ўртасида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация алоҳида ўрин тутди.

Президент Ислон Каримов 3 июль куни Оқсаройда Ж.Хёрбстнинг Ўзбекистондаги элчилиги ваколати низоҳасига етгани муносабати билан уни қабул қилди.

— Ўзбекистондаги фаолиятингиз жуда самарали бўлди, — деди учрашувда Президент. — Бу вақт оралиғида мамлакатларимиз стратегик ҳамкорлик асослари билан ўзаро алоқада бўлиб, яқин ҳамкорлик қилиб келгани учун миннатдорлик билдирди.

Ислон Каримов икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, айни пайтда у муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётганидан мамнуният изҳор

этиди. Шунингдек, ушбу муносабатларимиз истиқболга ишонч билан қараш учун барча асослар етарли эканлигини айтди.

Ж.Хёрбст мамлакатимиз раҳбарининг сўзларини мамнуният билан қабул қилишини таъкидлади. Ўзбекистон ҳукумати АҚШ дипломатия ваколатхонаси билан мустақам алоқада бўлиб, яқин ҳамкорлик қилиб келгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Президент Ислон Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган хиссаси, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўли-

даги хизматлари учун Жон Хёрбст Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланганини маълум қилди ва элчига мазкур орденини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари америкалик дипломатнинг келгусидаги ишларида муваффақият тилади. Ж.Хёрбст юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари бундан бўён ҳам мустақамлашиб, кенгайиб бораверishiга ишонч билдирди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 2003 йил 5-6 июль кунлари Алмати шаҳрига таширф буюради.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШИРФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2003 йил 6-7 июль кунлари амалий таширф билан Ўзбекистонда бўлади.

Таширф чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ахvoli ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.



□ БУГУН «Тошмарғ» ҳиссасдорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан «Соғлом иқтисодиёт — тарққиёт манбаи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ БУГУН Бектемир туманидаги «Бектемир» маҳалласида туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида «Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ ЭРТАГА Мирзо Улуғбек туманидаги 20-оилавий поликлиникада «Оила шифокори фаолияти ва тиббий-ижтимоий патронаж» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

□ ПОЙТАХТИМИЗДА илк маротаба «UZ-BOULING» мажмуасида боулинг бўйича уч кун мобайнида Республика Кубоги бўлиб ўтди.

□ «ТУРКИСТОН» саройида «ДЭУ юнител» компаниясининг лотереяси ўйналди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Мамлакатимизда

• Туркистон саройида профессионал эстрада хонандалари иштирокидаги «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг республика босқичи ўтказилди.


• Бугун Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида учинчи Марказий Осиё журналистика экологик фестивалини ўтказиш тартиби муҳокама қилинди.

• «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Қизилтепа туман бўлими АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси грантини қўлга киритди. Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркор хотин-қизлар, деҳқон фермерлари учун ахборот-маслаҳат маркази очилди.

• Қарши шаҳрида Марказий Осиёга Беғараз Ёрдам (SAFE) ташкилотининг ташаббуси билан халқаро кутубхона ташкил этилди.

• Хоразм вилоятидаги «Бройлер» акционерлик жамиятида яна товуқ гўштини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пархез гўштнинг дастлабки 25 тоннаси истеъмолчиларга жўнатилди.

• Сирдарё вилояти марказидаги спорт мажмуида «Ўзбекистонга» давлат акционерлик компанияси корхоналарининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган болалар спорт кийимларининг доимий ярмаркаси очилди.



• Исроил ва Фаластин ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган «Йўл харитаси» режаси ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан кеча Исроил қамқоқоналарида сақланайтган фаластинликлардан 20 нафари озод этилди.

• CNN агентлигининг хабарига кўра, Испанияда турган Америка денгиз пийда аскарларининг маълум қисми Либериядаги АҚШ элчихонаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу мамлакатга жўнашга тайёргарлик кўрмоқда.

• Қирғизистон Хитой билан чегарани очди ва 12 майда ғайриоддий зотиладжам тарқалиши хавфи туфайли ҳар иккала мамлакат ўртасида узилган қолган автотомобил ва ҳаво алоқаларини тиклади.

• Покистон Британия ҳамдўстлиги ташкилотига қайта кириши мумкинлигини билдирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор Элчиси Жон Эдвард Хёрбстни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга шахсан катта хисса қўшганлиги, шунингдек, иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни мустақамлаштиришда фаол иштироки учун АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор Элчиси Жон Эдвард Хёрбст «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 июль.

АҚШ мустақиллиги кунига бағишланди

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ва «Ўзбекистон — АҚШ» дўстлик жамияти АҚШ мустақиллигининг 227 йиллигига бағишланган тадбир ўтказди.

Унда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўзаро манфаатдорлик, ҳурматга асосланган ҳолда муттасил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида муштарак қарашларга эга. Ўзбекистон АҚШни терроризмга қарши курашда қатъий қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2002 йилнинг 11-14 март кунлари мазкур давлатга расмий таширфи чоғида имзоланган ҳужжатлар дўстона муносабатлар тарихида ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзолангани бундан яққол далолатдир.

Йиғилишда сўзга чиққан дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, «Ўзбекистон — АҚШ» дўстлик жамияти раиси, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ғуломов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жон Хёрбст ва бошқалар икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ва дўстона алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбек ва америка қўй-қўшиқ, рақсларидан иборат баддий дастур тадбирга алоҳида файз бахш этди.

ЎзА

Сўраш, жавоб берамиз

Мен турмуш ўртоғим билан суд тартибда ажрашдим. Судья мол-мулкни бўлишда менинг шахсий қарзимга олинган автомашинамни умумий биргаликдаги мулкка қўшиб собиқ турмуш ўртоғим ва мен ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор чиқарди. Шу тўғрими? Шахсий қарзга олинган мулк эр-хотин ўртасида бўлиниши мумкинми? Шу тўғрида маълумот берсангиз.

Ф.Қодиоров,
аспирант.

Оила кодексининг 34-моддасига кўра, эр-хотиннинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш учун кредитор қарздор эр-хотин улушини эр-хотиннинг умумий мол-мулкидан ажратиб ундириб берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу модданинг шарҳида, эр-хотиннинг қарзи умумий ёки шахсий бўлиши мумкин. Шахсий қарзлар эр-хотиндан биттасининг никоҳ тузилгунгача ёки никоҳ даврида ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун олган қарзлари ҳисобланади. Шунинг учун судья мол-мулкни бўлишда сизнинг шахсий қарзингизга олинган автомашинани бўлишга ҳақли эмас. Ҳар бир эр-хотин ўзининг эҳтиёжлари учун олган қарзлари ва мажбуриятлари юзасидан ўзлари жавобгар бўладилар. Агарда суд ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, сиз юқори суд органига 20 кунлик мuddат ичида апелляция, бир йил давомида эса кассация шикоятини бериб, ишнинг қайта қўрилишини талаб қилишингиз мумкин.

Мажбурлаб тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш қандай амалга оширилади?

У.Фармонова,
талаба.

Мажбурлаб тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сўғални қандай йўқотиш ҳақида шифокор маслаҳатини берсангиз.

Ш.Исҳоқова,
уй бекаси.

Сўғал — тери устида пайдо бўладиган юзаси гадир-будир ёки ясси думалок, нўхатдек кўринишдаги хавфсиз ўсмадир.

Сўғал ҳар хил зарарли микроблар туфайли пайдо бўлиб, у юқумлидир. Кўпинча сўғал бармоқларда, юзда, оёқ тагида юзга келади.

Одам 40-50 ёшдан ошгандан сўнг баъзи кишиларда кўкракда, елкада, бўйинда кичкина-кичкина ясси сўғал чиқади. Бу сўғалларнинг вирусли инфекцияга алоқаси бўлмай қариллик сўғаллари дейилади.

Сўғал одамни унчалик безовта қилмасда, юза қисмда пайдо бўлганлари бирор нарсага тегса қонади, огрийди, қўл-оёқларингизни хунук кўрсатади. Оёқ тагида пайдо бўлган сўғаллар эса қадокқа ўшаб қадалади, огрийди. Сўғални ўзингизча йўқотиш, олиб ташлашга уринманг. Улар зарарли хавфли ўсмаларга ҳам айланиши мумкин.


Сўғални косметолог, дерматолог врач олиб ташлагани маъқул.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига кўнжирок қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.



— Коллежimizда ўқитиш асосан бир йўналишда, яъни «Банк иши» мутахассислиги бўйича кундузги ва сиртки шаклда олиб борилади, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Ғофиржон Топилов. — Маълумки, мамлакатимизда кейинги ўн йилликда

оладиган малакали кадрлар бўлиб етиштириш ва келгусида банкларда ҳеч қандай қийинчиликсиз иш олиб боришларида омил бўлади. Коллежни ҳозиргача 3000 дан зиёд ёшлар битириб чиқиб, улар тижорат банкларида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда 750 нафар



ёшларга таълим ва тарбия беришда ҳамда танлаган соҳаларининг мутахассиси бўлиб етиштирилишида бор иқтидорларини ишга солиб, фаолият юритмоқдалар.

Коллежда таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини жорий этиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида турли мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, кеча ва танловлар ўтказилмоқда.

Коллеж битирувчилари олган билимларини синовдан ўтказиш тариқасида куни кеча банк иши ва бухгалтерия фанларида «XXI аср банкирлари» мавзуида ўзаро беллашув бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Булардан ташқари барча қулайликларга эга спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёридадир. Коллежда ташкил этилган шахмат-шашка, теннис, футбол, волейбол ва баскетбол спорт тўғралакларига ўқувчилар мунтазам катнаб соғлом, бақувват ва ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Коллеж ўқувчилари турли спорт мусобақаларида қатнашиб соғлом турли уринларни эгаллаб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар.

Билим даргоҳининг аҳил ва ҳамжихат жамоаси ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни бажара бориб, уни энг намунавий коллежга айлантириш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялаш оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойити оладиган, ҳақон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».

Ранно ПАЙЗУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент банк хисоб-кредит коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиқов
олган суратлар.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ёшларнинг камолотга эришмоғи, уларда янги дунёқарашни шакллантириш борасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилатгани ғоятда самарали натижалар бермоқда.

Бундан саккиз йил муқаддам ташкил топган Тошкент банк хисоб-кредит коллежини мамлакатимизда иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги ишхотларнинг самараси, десак адашмаймиз.

КАМОЛОТ МАСКАНИ



Ҳа, ўқув жараёнини олиб боришда айниқса, моддий-техника ва ахборот базасининг ўрни низоҳатда аҳамиятлидир. Ўқув юрти 750 ўринли бўлиб, 16 та фан кабинетлари ва энг замонавий русумдаги 45 та компьютер билан жиҳозланган 2 та компьютер хоналари мавжуд. «Банкларда хисоб», «Банк муаммолари», «Бухгалтерия ҳисоби», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ихтимолий-сиёсий бўлим асослари», «Банк ишини ахборотлаштириш» каби фанларни ўқувчилар чуқур ўзлаштиришлари учун ўқув хоналарида зарур кўргазмалар қўрилган самарали фойдаланилмоқда. Минглаб адабиётлар билан тўлдирилган кутубхона 70 кишининг бемалол муроаа қилиб, дарс тайёрлаши учун қулай қилиб қўрилган. Шу билан бирга 120 ўринли озода ва шинам ётоқхонада ўқувчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Энг ибратли жиҳати коллежда 12 та компьютердан иборат ўқув банкнинг мавжуд эканлиги бўлди. Ушбу хона ҳақиқий банклардагидек барча банк муаммолари ва операцияларини ўтказишга ихтисослашган бўлиб, коллеж ўқувчилари бевосита амалиёт тариқасида хисоб-китоб ишларини амалга оширишади. Шунингдек, ўқувчилар яна қўшимча амалиёт ишларини тижорат банкларидан «Пахтабанк», «Алоқабанк», «Саноктурилишбанк», «Асакабанк», «Уйқойжамгармабанк»лари бўлимларида бевосита ўтайдилар. Илмий қарашларини, олган назарий билимларини тажрибада уйғунлаштириб талабларга жавоб бера

ўқувчи кундузги, 900 дан зиёди эса сиртки бўлимда тахсил олаётди. Уларга 34 нафар олий маълумотли ўқувчилар ва 2 нафар фан номзодлари таълим-тарбия беради. Жумладан, Дилера Байдуллаева, Охиста Рашидова, Заҳро Холматова ҳамда Заҳро Раҳматуллаева сингари махсус фанлардан дарс берадиган малакали ўқитувчилар

ГИЛАМДА АКС ЭТГАН САЊЪАТ

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар заллари доимо сўғат шинавалари билан гавҳар. Яқинда ушбу сўғат даргоҳида «Суратли гиламлар» (гобелен) кўргазмаси очилди. Кўргазма асосан хинд маданияти марказида намойиш этилиб, бу ерда у давом эттирилди. Кўргазмада бир қанча гиламда акс этган расмлар орасида Олим Исҳоқовнинг «Карвон» суратли гилами тарихий мавзулидиги билан киши диққатини тортади. Унда карвонбошининг туғилари етаклаб бориши ҳаётий акс эттирилган. Шунингдек қир-адирлар, чўл манзараси кўзга ташланади ҳамда карвоннинг ўзини хос машаққатлари ўз ифодасини топган. Алишер Ҳамидовнинг «Қўшлар» суратли гиламида қушлар ғаласи жонлантирилган. Ушбу гилам тасвирлардан Владимир Пучковский ва Светлана Шиховаларнинг «Сўғат» гилам тасвирлари сўғат ихлосмандлари эътиборини жалб этмоқда.

Иккинчиси «Рангтасвир кўргазмаси»да эл-юртга эндигина танилаётган, истеъдодли расмлар Одиҳон Холмиразов, Қодиҳон Юсупов, сўғат муҳлисига қўлдан бери танни Марат Содиковларнинг манзара асарлари намойиш этилаётди. Одиҳон Холмиразовнинг «Тоғда», Қодиҳон Юсуповнинг «Қизил дархат», «Арча», «Булут», Марат Содиковнинг «Тоғда оқшом», «Тоғда баҳор», «Тоғда туман» каби асарлари кишига завқ беради.

Маҳмуд АҲМЕДОВ

• ТАЪЛИМ

ҲАМ МИННАТДОРЧИЛИК, ҲАМ СОВҒА


Республикаимизда Халқаро ТАСИС дастури бўйича касб-хунар таълимини ривожлантириш билан боғлиқ маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу нуфузли дастурнинг «Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохоти ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида ҳам қатор изланишлар олиб боришмоқда.

Тошкентдаги республика касб-хунар қурилиш миллий коллежи педагогик жамоаси ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатмоқда. Ўқув даргоҳининг директори Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Осад Акбаров бу борадаги ибратли ишлари учун Санкт-Петербург шаҳридаги атоқли педагог олим Неболсин номидаги жағмарнинг муқофотига сазовор бўлди.

ТАСИС тизимининг голланд лойиҳаси бўйича изланиш олиб борган коллеж ўқитувчиси Доно Махамматилева «Сувочилик ишлари», «Материалшунослик» деб номланган дарсликларни босмага тайёрлади. Бу ҳар иккала нашр коллеж ўқувчиларига яхши совға бўлди.

Билим даргоҳининг бу каби жўшқин фаолияти яқинда муносиб тақдирланди. ТАСИС дастури лойиҳаси раҳбарияти катта миннатдорчилик мактубини йўллаб педагогик жамоага эсдалик совғаларини юборди.

Моҳира ШОДМОНОВА



9.30, 14.10 Болалар со
10.15 «Пауэр Рейндж
ёки кучли рейнджерл
Сернал.
10.40, 16.00 «30»да сп
11.10 «Тез ёрдам». Сер
12.00 «Тангридан ҳеч
дай дарак йўқ». Фильм
13.30 «У қотиллиқни б
этди». Телесернал.
15.00 Телешоу.
16.50 «Хужжатли сери

Ажойиботлар

ХУШИДАН КЕТДИ

23 ёшли швед Свен Ларсен ўзига ажойиб-воқеани ўйлаб топмоқчи бўлди. У эрта тонгданоқ Стокгольм вокзалидан поезддан тушаётган ва поездга чиқаётган одамлар билан кўл бериб сўрашишни бошлади. Бу ҳол соат 16.00 гача давом этди.

Свен Ларсен тинмай такрорлаётган бу ҳаракати давомида 11,220 нафар йўловчи билан сўрашиб улгурди. Лекин 11.221чигача келганда у беҳосдан хушидан кетди.

АШАДДИЙ ПИВОХЎР

Лондондаги пивохоналардан бирида ҳар йили шаҳарнинг ашаддий пивохўрини аниқлашда мусобақа уюштирилади. Танловнинг фахрли унвонга сазовор бўлганлардан бири Харриет Брукс исми аёлдир. Унинг таъкидлашга кўра 18 ёшдан бошлаб кунига бир литрдан пиво истеъмол қила бошлаган ва унинг миқдорини аста-секин ошира борган. Бу аёл 73 йил мобайнида тахминан 70 тоннадан ортиқ пиво ичганлиги маълум бўлди. Ана буни голиблик деса бўлади.

КОНВЕРТНИ ОЧМАЙ

Сарлавхани ўқиб, «йўғ-е!», дея ёқа ушлашнинг сезиб турибмиз. Бироқ бу бор гап. Гарчи конвертлар муҳрлаб қўйилган бўлсада, ичидagi хатни бемалол ўқиса бўларкан. Бунинг учун Дейв Миллернинг Йоханнесбургдаги дўкончасидан бор-йўғи 32 АҚШ долларига махсус суюқлик сотиб олинса бўлди, бу суюқлик конвертни очмай ичидигани ўқиш имконини беради.

УСТА ТАҚЛИДЧИ

Тақлидчилик ҳам ўзига хос бир санъат. Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида яшовчи актёр Ширинивас тақлиднинг устаси фаранглардан ҳисобланади. У дам олмай 32 соат мобайнида 500 дан ортиқ томошабинга таниқли сиёсий арбобларнинг, кино қўлуларининг, машҳур кишиларнинг, қуш ва жониворларнинг овозини ва характерли «килик»ларини қўйилмақом қилиб ижро этиб, оқишларга сазовор бўлди.

КЎП ГАПИРИШДА ЧЕМПИОН

Чилида истикомат қилувчи диктор Мигель Анхел Наваррет агар кўп гапириб бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилса, албатта биринчилиكنи олса керак. Толи шаҳри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшитиришида у тўхтамай 113 соату 7 дақиқа гапирди ва барча ҳамкасбларини лол қолдирди.

ҚАРСАКЧИ

Қарсақлар албатта, маълум сабабларга кўра чалинади. Лекин Хиндистонда яшовчи банк хизматчиси Жалрам узок мuddат қарсақ чала олишини тасдиқлаб, шуҳрат қозонмоқчи бўлди. У 67 соат давомида тинмай кафтини кафтига уриб қарсақ чалди. Бу рекордни қарсақчини фақат шифокорларгина бу ишда тўхтата олишди. Чунки бир-бирига урилаётган кафтлар шишиб, қон оқа бошлаган эди.

РЕКОРДЧИ ГИТАРАЧИЛАР

Перулик уч нафар йигит гитара чалиш бўйича «қахрамон» бўлишди. Улар гитарада 55 соат куй ижро этишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Фақатгина ҳар соатда 10 дақиқадан дам олишди, холос. Гитарачилар бу ҳолни узок давом эттиришлари мумкин эди, лекин уларни навбатчи шифокор бу ишдан тўхтатди. Чунки уларнинг кўллари қонга беланиб кетганди.

Оқнор ХАЗРАТОВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида «Оила» табибий маданиятини ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазиранг Маҳкамасининг қарорига асосан бирмунча самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан туман ҳудудий табибей бirlашмасида маҳалла хотин-қизлар комиссияси билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказил-

сида ёрдамга муҳтож 20 та оилага хайр саховат кўрсатиб, 10 минг сўмдан хайрия ёрдами кўрсатишди. Жумладан маҳалла кенгаши томонидан кам таъминланган 35 оилага коммунал тўловлар бўйича қарзларини узишга ёрдам тариқасида 300 минг сўм пул ажратилди.

Хотин-қизлар комиссияси айниқса оилалар, оналар ва болалар соғлиғига катта эътибор қаратиб келмоқда. Оилада соғлом фарзанд туғилиши ва уларни ҳар томонлама маънан баркамол-

• 2003—ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ОИЛАЛАР
ФАРОВОНЛИГИ
ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ушбу йилнинг Обод маҳалла йили деб номланиши айниқса маҳаллалар, оилалар фаровонлиги, тинчлиги ва оқсоқолларнинг таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Ҳақиқатан маҳаллаларга, оилаларга эътибор, ғамхўрлик яна ҳам кучайди. Жумладан маҳалла оқсоқоллари ҳамда хотин-қизлар комиссияси раислари зиммасидаги масъулият янада ошди.

Бўйича комиссия ташкил этилган бўлиб, улар бошчилигида тўй ва маъракалар ортиқча сарф-харажатларсиз, дабдабасиз, меъёрида файзли қилиб ўтказилмоқда. Бундан албатта маҳалла ахли жуда миннатдор. Ҳақиқатан ортиқча тоғоралар, ортиқча харажатнинг кимга кераги бор. Буни тушуниб етган маҳалла аёллари кундан кунга тоғоралар сонини қудалар билан келишган ҳолда камайитиришга эришмоқдалар.

«Маҳалланг—ота-онанг» деган ажойиб нақл бежиз айтилмаган. Албатта ҳар бир оила маҳаллага таяниши, катта режаларини маҳалла билан маслахатлашиб бошлаши лозим. Оилалар тинчлиги, фаровонлигини оширишда маҳалланинг ўрни бекиёс. Маҳалланг тинч, сен тинч, дейдилар. Шундай экан, маҳалламизнинг янада обод, меҳр-оқибатли, оқсоқоли бўлиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим.

Дилором ИКРОМОВА

Мунажжимлар башорати

7—13 июль



Кўй (21 март — 20 апрель) —

Ушбу ҳафта сиз учун омадли келиши кутилмоқда. Баъзиларнинг хизмати жойида ижобий ўзгаришлар, яхши хушхабарлар билан иш ҳафтаси бошланади. Дам олиш сафари мароқли ўтади.



Бузоқ (21 апрель — 20 май) —

Моддий ишларингизни тўғри ҳал қилишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда оилангизда баъзи муаммолар туғилиши мумкин. Яқинларингиз билан муомаланишнинг илоҳи борица яхшилашга ҳаракат қилинг.



Эгизаклар (21 май — 21 июнь) —

Ота-онангиз ҳақида қайғуриш сизнинг зиммангизда. Уларнинг соғлиғига эътибор беринг. Санъат соҳасидаги кишиларга омад қилиб боқад.



Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль) —

Ушбу ойда моддий ва маънавий фойда берадиган ишларингиз амалга ошади. Сафарга ва рўзгорингизга доир ишлар унумли бўлади. Дам олиш кунлари оилангиз даврасида бўлишга ҳаракат қилинг.



Арслон (23 июль — 23 август) —

Ишонангиздаги қабул қилинган қарорлар сиз учун жуда қувончли бўлади. Ҳафтанинг ўрталарида кўпдан кутган севган кишингиз билан учрашасиз. Оилангизда баъзи муаммолар пайдо бўлиши эҳтимол.



Паризод (24 август — 23 сентябрь) —

Фойдали танишувлар, қизиқарли мулоқотлар, ижодий сафарлар келгусидаги режаларингизда асқотади. Дам олиш кунлари мириқиб дам олинг. Соғлигингизга эътибор беринг.



Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь) —

Бу ҳафта ишхонада баъзи ҳал бўлмаган муаммоларингизни ечишга қулай фурсат. Тадбиркорлик соҳасида ҳамкорларингиз билан иш бошлашда пухта ўйлаб, мулоҳаза билан иш бошланг.



Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь) —

Соғлигингиз жойида бўлсада, яшаш тарзингизни соғлом деб айтиш мумкин эмас, оилангизда бахтли ва қувонқ ҳаёт кеңириш кўпроқ сизга боглиқ. Асабийлашавермай, яқинларингиз билан босиқлик ва хурсандчилик билан муомалада бўлинг.



Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь) —

Касбий фаолиятингизда қатъиятсизлигингиз, лоқайдлигингиз туфайли муаммолар туғилади. Сиздан эҳтиёткорлик ва тартиб-интизом талаб этилади. Оилангизда ҳамма нарсга жойида. Фақат соғлигингизга эътибор беринг.



Тоғ эчкиси (22 декабрь — 22 январь) —

Молиявий томондан жиддий тўсиқларга учрашингиз мумкин. Мўмай даромад кўриш ис-тагида шоқлақлик қила кўрманг. Ҳамкасбларингизга эмас, яқинларингиз маслаҳатига қулоқ тuting.




Қовға (21 январь — 19 февраль) —

Ушбу ҳафта келажақ режаларингиз, муаммоларингиз ижобий ечимини топади. Янги ҳиссиётларга берилиб, алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.



Балик (20 февраль — 20 март) —

Ишонангизда сиздан ишчанлик, чақонлик, ўзингизга талабчанлик талаб этилади. Янги ишлар бошлашингиз айна пайтидир. Янги режаларингиз дадил амалга оширишга киришаверинг.



Келажагимиз ворисларининг маънан етук ва жисмонан баркамол бўлиб воғга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳам шахримиз мактабларидагина эмас, балки мактабгача тарбия муассасаларида ҳам турли хил спорт тадбирлари ўтказилиши яхши аънаъга айланди. Ажабмаски, сиз суратда кўриб турган жажжи фарзандларимиз орасидан келажақда жаҳон чемпионлари, олимпиада ўйинлари голиблари етишиб чиқса.



• АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Банкар уюшмаси саяё-ҳаракати сабаб тошкентлик мактаб ўқувчиларининг хориждаги тенгдошлари билан ҳайкорлиги юзага келди. Тошкентдаги 64-мактаб билан Япониянинг Нагано шаҳридаги мактаб ўртасидаги дўстлик алоқалари эса айниқса самарали бўлмоқда.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
ДЎСТЛИК
ЁЎШИМАЛАРИ

Яқинда Япониядан бу билим ўчоғига мактаб келди. Унда япониялик болалар ўз тенгдошларини ёзги таътил бошланishi билан қутлашган эди. Айни вақтда рангли альбом ҳам юборилди. Ундаги фотосуратларда япон ўқувчиларининг шу кунларда амалга ошираётган ибратли ишлари ўз аксини топди.

Жавоб хатида мактаб ўқувчилари бу совға-саломлар учун миннатдорчилик билдирди, япон дўстларини Тошкентга тақлиф қилишди.

Севара АҲМАДЖОНОВА




Ўзуйжойжамфармабанк Хурматли юрtdошлар!
Сизга пулингизни ва вақтингизни тежайдиган
«Коммунал» омонатини таклиф этади.

«КОММУНАЛ» ОМОНАТИ

БУ СИЗНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВАРИНГИЗНИНГ БАНК ФОИЗИ ҲИСОБИГА ТЎЛАНИШИДИР.

«Ўзуйжойжамфармабанк» ҳар ойда Сизнинг коммунал тўловларингизни тўлаб боради ва Сизнинг коммунал тўловларингиз бўйича бухгалтерия ҳисоб китобларингизни олиб боради.

Коммунал омонатининг шarti: ҳисоб рақамини очиш учун ўзингиз билан паспорт, нақд пул ва коммунал ташкилотларига тўловлар ҳисоб-рақамларингиз бўйича маълумот тақдим қиласиз.



Сиз бирламчи тўловни ўзингиз белгилaysиз.

Даромад йиллик 40% (ойлик 3.33%) миқдорида ҳисобланади.

Белгиланган муддат тугагач омонатда сақланаётган маблағларнинг барчаси тўлалигича омонатчига қайтарилади.

«ЎЗУЙЖОЙЖАМФАРМАБАНК» — ИШОНЧЛИЛИК, АНИҚЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК!

Сиз «Коммунал» омонатини «Ўзуйжойжамфармабанк»нинг исталган омонат кассасида очишингиз мумкин.
Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 132-13-18, 133-31-62
факс: 133-03-53; e-mail: treasury@sarkor.com www.uzujb.com

Лицензия № 55 от 24.03.97г.

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига!

2003 йил 1 июлдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик томонидан 2003 йил 27 июндан тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи йил мобайнида беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда бир текис белгиланади.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида ҳақ тўланади.

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ—5542-87	10 м³	55,38
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10м³	95,71
	Иситиш учун	-/-	10м³	44,38

ча эски (10 м³ - 44,30 сўм) нарх ҳисобида олинади. 2003 йил 15 июлдан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишга газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчи тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			йиллик	ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11м³	1263,36	105,28
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15м³	1722,84	143,57
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминладиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситигич	1 кишига 16 м³	1837,68	153,14
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1м²га 2,4м³	127,8	10,65

Эслатма: 2003 йил 15 июлгача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйи-

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси

Янги «Чайка»,
«Веритас» тикув ма-
шиналари сотилади.
Т: 22-98-05

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан 2002 йил 29 декабрда «KARVON-LT» масъулияти чекланган жамияти дўконига чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган ХШ № 002250 сонли, рўйхат рақами 80/05 бўлган рухсат гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги М.Хамроев номили 29-ўрта мактаб томонидан Азизов Аброр Абдукаримович номига берилган АУ№312099 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«02»: ҳодисалар

◆ Билимсиз, жаҳолатга ботган фарзанд ота-онанинг юзини бир умр ерга қаратади.

Худди шундай фарзандлардан бири 1986 йилда туғилган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган Х. Мансур Қорасув мавзесидаги ўрта мактабга ўғирликка қиради. У мактабнинг биринчи қаватидаги директор хонасига дераза орқали кириб, «Русь-26» русумли телефон аппарати, 30 метрлик пардаларни, 5 та ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатномаларни ўғирлаб кетган. Илм даргоҳига билим олиш мақсадида эмас, ўғирлик қилиш учун кирган жиноятчи ички ишлар ходимлари томонидан ушла-ниб тегишли чоралар кўрилмоқда.

◆ Ҳамза туманида «Авиасозлар» маданият саройи олдида, 1984 йил туғилган, судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Бобоев «Туронмарказ» курилиш» хайдовчиси Корнеевга уриб, тан жароҳати етказган ва 45 долларини яна «Ориент» кўл соати-ни тортиб олиб қочиб кетган.

Ички ишлар ходимлари жиноятчи-ни ўз вақтида ушлади ва жабрланувчининг нарсалари ўзига қайтарилди.

◆ Қодирий кўчасидаги «Турон» меҳмонхонаси ертўласидаги бир дона ванна, 4 дона унитаз ва 14 дона раковина бир кечада йўқ бўлиб қолди.

Уларни ким олган дейсизми? Албатта тўғри одамлар эмас... Ички ишлар ходимлари томонидан аниқ-ланишча, ушбу кимсалар Сирдарё вилоятидан келган бўлиб, улар 1981 йил туғилган У. Сирож, 1983 йилда туғилган Ш. Элдорлар эди. Жиноят-чилар ашёвий далиллар билан ушла-ниб, ҳозирда қонун олдида жавоб бермоқдалар.

◆ Чилонзор туманида яшовчи троллейбус хайдовчиси П. Максим Юнусовод туманида яшовчи ўртоғи Киреевнинг уйига меҳмонга боради.

«Яхшиликка ёмонлик» деганларидек П. Максим меҳмонда бўла туриб, дўстини роса дўппослаб, унга тан жароҳати етказди.

◆ Ҳозирги пайтда ўз-ўзинга эҳтиёт бўлмасанг оғзингдан ошингни тортиб олиб кетишади.

Чилонзор туманида яшовчи А. Мирахмедов ҳам ана шундай алданганлардан бири. Уни чув туширган кимса Сергели туманида яшовчи М. Турдубек бўлиб, у ўз таниши Мирахмедовни қурилиш моллари олиб бераман деб 2000 АҚШ доллар пулини олиб қайтариб бермаган. Ички ишлар ходимлари ушбу ҳолат юзасидан тегишли чораларни кўришиб пулларни ўз эгасига қайтаришди.

◆ Юнусовод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, бекорчи ака-ука М. Даврон ва М. Ботирлар калит танлаш йўли билан Р. Лутфуллаев-нинг уйига ўғирликка қирадилар.

Улар жабрланувчининг уйдан газ плитаси ва ҳисоблагични, газли пай-вандлаш аппарати, 50 метрли кабел-ларни ўғирлаб кетишади. Ўғирлар узоққа қочиб кетолмади. Уларни милиция ходимлари ўз вақтида ушлаб қонун олдида жавоб беришга мажбур қилдилар.

◆ Чилонзор туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, судланган, дайди П. Ваня кўчада кетаётиб эши-ги очик уйдан кўзи тушди.

У эшикдан ичкарига қиради. Қа-раса уйда ҳеч ким йўқ, бундан фой-даланган жиноятчи Чересованинг уйдан 67 минг сўмлик уй-ўзғор бу-юмларини ўғирлаб кетади. Ушбу ҳолат тезда аниқланди, жиноятчи ҳозир қонун олдида жавоб бермоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуоти хизмати материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.

Қаерда юрма, кимнинг оғзига қарама — бошлиқларга маззада, деган гапни эшитиб, йўлда ҳам тинчлик йўқлигидан кишининг мазаси қочиб қолади. Шундай пайтда ҳар ким тинчгина ўз ара-васини тортиб, насибасини те-риб еб юравермайдими? Тавба, ўринбосарим Олим чаққон ҳам худди шундай ўйинбузуқилар-дан. «Хузуржон ака, Хузуржон ака» деб кечга-ча минг хил таклиф, та-лаб билан қабулимга ки-равериб, миямни парма-лаб ташлайди. Ҳали қўшма корхона ташкил қилиш керак, ҳали бог-ча-мактабни таъмир-лаш, ҳали фалончилар фондини очиш керак, деб чакагига зўр берга-ни берган. Очиғи — бу-нақанги эзма одамни

тушимда ҳам кўрмаганман. Тўғри, давр ўзгарди, мамлакатимиз қай-та туғилди. Лекин одам бўқала-мундек ўз тусини дарров ўзгар-тиролмади-ку! Мен сингари раҳбарлар етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесса, нимаси ёмон!? Ахир, одамлар тақдири сенинг қўлингда бўлгандан кейин ҳар қандай масалани ойлаб-йиллаб ўйлаб, кейин амалга ошириш ке-рак эмасми?! Шу боис мен тез-да ҳал қилинган ишни тепилма-ган лойга ўхшатаман. Ундан қурилган пахса девор эртаими-индин қулаб тушади. Хулоса шуки, ҳар бир таклиф, шикоятга енгил-лей қарамай, балки вазминлик, сабр-тоқат билан жавоб излаш керак. Бунинг учун бизга тинчлик ва соғлом муҳит даркор.

Олим чаққон билан ҳозиргина тугаган мулоқот ҳам «Сеними шошмай тур» мультфильмига ўхшайди. Нима эмиш: одамлар-га эрта кел, индин кел, бултурги режани бу йилгисига қўшиб ба-жарворамиз, сабр қилинг, сабр-нинг тағи — олтин, деган гапу ваъдалар эндиликда ерга кўмил-ган эмиш. Бир муштга бирлашиб,

чой столим зийнати эди. Қандай меҳрибон, интизомли одамлар кўршовида эдим-а! Оғзилари асалари инига айланиб, тилла-ридан бол томарди. Бу ердачи? Ҳаммаси ўзбилармон, интизом-нинг «и» ҳарфидан ҳам бехабар. Ана, яна биттаси бошимни оғритгани келди.

— Мумкинми, Хузуржон ака?..

— Интизомни била-сизми, ўзи? Аввал эшикни тақиллатиш ке-рак. Нима, мени бу ерга қоровулликка қўйишганми? Ахир, бе-кор ўтирганим йўқ, сиз-ларнинг ҳақингизда, бирлашма тақдири ҳақида бош қотираяп-ман. Ҳўш, муддаога ўтинг?

— Муддаом... Кўшни корхонага ўтиб ишла-

моқчиман. У ерда иш ҳам кўп, маош ҳам жойида, яшаш ва меҳ-нат қилиш учун ҳамма шароит бор...

— Кетиш-петишинг билан ишим йўқ! Бугуннинг ўзида тўрттанг ариза кўтариб кирдинг. Ҳўш, интизом борми, сенларда? Шароит масаласида меники ол-дида сенларники ҳолва. Кечга-ча юзтадан кирасан. Юзтаданнинг юзта хархашанг бор. Бунақа ша-роитда ишлашга фил ҳам чида-майди!

Ана, азизлар, яна эшик тақил-ляпти. Демак... Йўқ, энди чидаб бўлмайди. Эски тажрибамга та-яниб эртадан санаторийга кетво-раман. Ҳар ҳолда у ёқ тинчроқ-ку! А, лаббай!

Уста НАБИ

Йўқ, бугуннинг ўзида
тўрттанг ариза
кўтариб кирдинг

Ҳажвия

тез ҳаракат қилинса, тўкинчилик-нинг қилиши тезлашармиш. Иш-сиз, бетанафус, уч соат бошим-ни қотирса-я! Яхшиямки, Худой-им одамга бир жуфтгина кулоқ ато қилган, агар беш-ўнта бўлга-нидами, ҳаммасига кулф-калит қилдиришга тўғри келарди. Мени анойи ҳисоблаб юрган экан, эскиртдан раҳбар эмасман-ми, бисотимдаги энг аччиқ гап-ларни ишлатишимга тўғри кел-ди. Шунда омборга мудирлик пайтим эсимга тушиб кетди. Ўшанда битта сўзимни иккита қилганнинг думини зудлик билан туғиб юборардим. Шунинг учун ҳам ош тағига олмасди. Кабоб-дан қуонди хид келмасди, бўша-ган ишшлар ўт-бетда сочилиб ётмасди. Бармоқ ботмайдиган

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида. 1. Фарбий Осиёдаги тарихий вилоят номи билан ата-луви давлат. 2. Моҳир хунарманд. 3. «Кон-Тики»да савҳат» аса-ри муаллифи, норвег этнографи ва археолог. 4. Шиша ашё. 5. Йўл иншоотидаги кўтарма гов. 6. Ҳафта куни. 7. Заҳарли илон тури. 8. Опера асарининг сўз матни. 9. Ички ёниш двигатели икки қилдиракли транспорт воситаси билан мусобақа ўқазмиш иншооти. 10. «Тоғжаҳал» обидасини бунёд эттирган Ҳиндистон-даги Бобурийлар империяси ҳукмдори. 11. Атоқли украин шои-ри. 12. Таникли Доғистон шоири. 13. Ўзбек халқ мақоми. 14. Бухоро вилоятидаги туман. 15. Санъат тури. 16. Заҳарли чўл ўргимчаги. 17. Вагон бўлмаси. 18. Иш жараёнини узлуксиз таш-кил этиш.

Муаммонома

Шакл атрофидаги рақамларда ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган мумтоз шоирнинг исми ифодаланган. Уларни қуйидаги очкич сўзлар асосида билиб олинг.

1. Вақт ўлчови — 20, 2, 7.
2. Ип газлама — 5, 16, 17.
3. Тиниш белгиси — 8, 6, 19, 15.
4. Жамиятдаги алоҳида бир инсон — 14, 6, 13, 15.
5. Ўрта аср тарихчиси, Алишер Навоий замондоши — 13, 9, 4, 18, 6, 1, 2, 3.
6. Насрий асар тури — 11, 2, 10, 9, 12.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг шу йил 27 июни сониди берилган «П» ҳарfli бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида:

1. «Пахтакор». 2. Палаҳмон. 3. Парвариш. 4. Парагвай. 5. Птолемей. 6. Локстон. 7. Парабола. 8. Пардевор. 9. Парварда. 10. Пайшанба. 11. Пирамида. 12. Панорама.

Муаммонома

Очкич сўзлар: 1. «Дўстлик». 2. Бадал. 3. Чий.

Ҳикмат: Тилак бўлса, билак чидайди.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
ўлоқлар:
133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилди.
4204 нускада босилди. Қўғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.